

Бухородаги «Мулло Нарзи» жомеъ масжидининг янги биноси очилди



14:25 / 06 март 844

Жорий йилнинг 3 март куни Бухоро вилояти Ромитан туманидаги «Мулло Нарзи» жомеъ масжиднинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Масжиднинг янги биносидаги маросимга вилоят бош имом-хатиби Жобир домла Элов, имом-хатиблар, нуроний отахонлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Жобир домла йиғилганларни кириб келаётган Рамазони шариф ва янги масжид билан табриклаб, унинг қурилишига ҳисса қўшган барча азиз инсонлар ҳаққига дуолар қилдилар.

Мажмуада янги хонақоҳга икки томон ён айвон билан қўшиб ҳисоблаганда 1000 ўринли намозгоҳ қуриб битказилди. Шунингдек, кутубхона, маъмурият, омборхона, 20 кишилик янги таҳоратхонанинг қурилиши лойиҳа асосида амалга оширилмоқда.

Маърифат маскани бўлган масжидларни обод қилаётган азизларга Яратганнинг розилиги насиб қилсин, юртимиз тинч, осойишта ва

фаровонлиги бардавом бўлсин!